

р/к 22 ж -

2012 йили Мустақкам оила ўили

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 1-NOYABR, PAYSHANBA, 128 (8053)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Бухоро Вилояти



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш, спорт мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляптир. Бухоро вилояти Жондор туманидаги 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ана шундай эзгу

мақсадларга хизмат қиляётган масканлардан.

Бу ерда 968 нафар ўғил-қиз спортнинг футбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, стол тенниси каби турлари билан шугулланиб, ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга 29 малакали мураббий спорт сирларини сидқидилдан ўргатаптир. Замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган футбол, волейбол майдонлари, ку-

раш, белбоғли кураш, стол тенниси машгулот хоналари умидли спортчилар ихтиёрида. Яратилган шароитдан самарали фойдаланиб, маҳоратини ошираётган ёш спортчилар вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келяптир.

СУРАТДА: мактаб тарбияланувчиси Шавкат Исломов машгулотда.

САҲИФАЛАРДА:



БУНЁДҚОРЛИК КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА

4



СУТ – ДАРДГА ДАВО

6



ГУЛДАН ГИЛАМ

8

Тоҳир Истаев (Уш) олган сурат.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига бағишланган брифинг ўтказилди.



Унда таъкидланганидек, "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга изчил таъбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган.

Лойиҳани Қонунчилик палатаси қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси қошида махсус ишчи ва экспертлар гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланиши-

ни мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, сиёсий партияларнинг фаоллари, амалиётчи ҳуқуқшунослар, ННТ вакиллари киритилди. Бундан ташқари, муҳокамалар жараёнида турли хил давлат ва нодавлат ташкилотларнинг, мутахассислар, олимлар ва экспертларнинг таклифлари, тавсиялари умумлаштирилди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари, барча сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи томонидан кизгин муҳокама қилинди ва улар ҳамкорлигида турли тadbирлар ўтказилди.

Ушбу тadbирларда 300 га яқин амалий таклифлар билдирилиб, уларнинг айримлари иккинчи ўқишга тайёрланган қонун лойиҳасига киритилди. Жумладан, "Адолат" социал демократик партияси фракцияси 34 та, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси 28 та, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси 36 та, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 27 та, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар

гуруҳи 24 та таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан ҳам ёзма равишда амалий таклифлар қабул қилинди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси рус ва ўзбек тилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилди. Шу давр мобайнида мазкур сайтлар билан 4000 дан ортиқ фуқаролар танишиб чиққан ва уларнинг кўпчилиги лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш мақсадида марказий ва маҳаллий маتبут нашрларида 35 дан ортиқ турли мақолалар, радио ва телевидение орқали 300 га яқин интервьюлар, шунингдек, алоҳида курсатув ва эшиттиришлар тайёрланган.

Тadbирда журналистларни кизиктирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

Вилоят ҳокимлигида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тadbирларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Уни вилоят ҳокими З.Мирзаев олиб борди. Таъкидландики, Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунлари бўйича жорий йил 19 январдаги мажлисида белгиланган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоизга ўсди. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги 8,1, қурилиш-пудрат ишлари 10,7, чакана савдо айланмаси 14,7, жами хизматлар 16,4 ва пуллик хизматлар ҳажми 15,4 фоизга кўпайди.

Саноат соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 10,8 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 362,8 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 52,6 минг сўмга ошди. Ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 67 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу борада ўтган йилга нисбатан 5 фоиз ўсишга эришилди. Асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 14,6 фоизга кўпайди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасининг улуши 82,2 фоизни ташкил этди.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тadbирлар натижасида ўтган даврда 74 минг 687 та янги иш ўрни яратилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан қўрилатган чора-тadbирлар туфайли ҳисоботи даврда дастур ижросини таъминлаш учун жами 1 триллион 31 миллиард сўм ва 7,7 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар жалб қилиниб, йиллик дастур 87,4 фоизга бажарилди.

Шунингдек, йиғилишда муҳим вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан йўл қўйилган камчиликлар ҳам қайд этилиб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тadbирлар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Позуқулов иштирок этди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Зарафшон шаҳридаги "Сўғдиёна-нон" масъулияти чекланган жамиятининг нон ва нон маҳсулотларига аҳоли ўртасида эҳтиёж катта.

«СЎҒДИЁНА-НОН» ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шведиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур цехда айни пайтда бир кеча-кундузда 2,5-3 тонна ундан 7 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланапти. Жамиятда Элёр Исоқулов, Суннат Файзуллаев каби ўз ишининг усталари маҳсулот сифатининг янада яхшиланиши ва унинг янги турларини яратиш мақсадида астойдил изланишмоқда. Цехнинг ўзида 20 та иш ўрни яратилган ҳам аҳамиятлидир.

Саноатчилар шаҳри — Зарафшонда йил сайин кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик объектлари кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда турли йўналишдаги 10 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилиб, 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Абдурашул САТТОРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон Вилояти

ЮКСАК ТАЛАБГА МУНОСИБ ТАКЛИФ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган замонавий спорт иншоотларидан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ғамхўрлик самарасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спорт билан доимий шуғулланишга интилиш ортиб бораёттир. Бу, ўз навбатида, истеъмол бозорига спорт инвентарларига бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлмоқда.



Тикучи цехи бошлиги Маъмура Орифжонова ва тикучи Гулаода Яхшибоева.

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғида яшовчи тadbиркор Наврўзбек Ҳамроқулов ана шу талабни ўрганган ҳолда спорт анжомлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аниқ мақсад ва пухта иқтисодий режага асосланган бизнес лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Наврўзбек Ҳамроқулов раҳбарлигидаги «Қувват-ул камол» хусусий корхонасида ҳозир курашчилар чопони, бокс қўлқоплари, шлемлар, волейбол ва баскетбол тўрлари сингари 20 турда спорт кийимлари ва анжомлари тайёрланапти. Ушбу сифатли, харидорнинг маҳсулотларга буюртмалар кўпаймоқда. Кичик корхонада 12 киши иш билан таъминланган.

Хурсандбек АРАББОЕВ (Ўза) олган сурат.

Қашқарғарё Вилояти

Истиқлол йилларида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаёттир. Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактабиде ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги ва корейс миллати вакилларининг юртимизга келганлигининг 75 йиллигига бағишланган тadbирда шулар ҳусусида алоҳида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БИР ЗАМИН ФАРЗАНДАРИМИЗ

Унда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги миллий маданий марказларини мувофиқлаштирувчи кенгаши мутахассислари, вилоятдаги барча миллий маданият марказлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Тadbирда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 170 миңдан ортиқ корейс миллати вакиллари истиқомат қилиди. Уларнинг аксарияти шу заминда туғилган бўлиб, турли соҳаларда меҳнат қилиб, юрт тараққиёти учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

— Ўзбек халқининг бетакрор қадриятлари, табиятини жуда яхши биламан, — дейди меҳнат фахрийси Афанасий Ким. — Меҳмондўстлик, сабр-тоқатли, камтарин, тўғрисиқ, ҳалол бўлиш каби жиҳатларни ўзимга сингдириб олишга интилганман. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлигидан ўрناк оламан, йиллар давомида турли лавозимларда ишладим. Ҳозир нафақа ёшида бўлсам-да, тўплаган тажрибам, билимимни шу юртинг тараққиётига сарфлашга ҳаракат қиламан. Биз Ўзбекистонда яшаётган корейслар шу жаннатноманд, тинчлик барқарор сақланаётган юртининг ўз юртимиз, ўз Ватанимиз деб ҳисоблаймиз.

Тadbир сўнггида мактаб ўқувчилари томонидан турли халқлар миллий рақслари ва қўшиқлари ижро этилди.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фермерлар томонидан ниҳоятда мамнуният билан кутиб олинди.



— Юртбошимизнинг ушбу фармонини фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси деб билдим, — дейди Дўстлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Юлдуз Холматова. — Фармон самарасида бизнинг фаолиятимиз янада такомиллашиб, элу юртга хизмат қилиш масъулиятимиз ошади. Бугунги давр фермердан ташаббускорликни, тадбиркорликни талаб этмоқда.

“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Юлдуз Холматова бошлик фермер хўжалик аъзолари бу йил барча экинлардан мўл ҳосил олишди. Хўжалик 128 гектар пахта майдонидан шартномадаги 370 тонна ўрнига 430 тонна “оқ олтин” етказиб беришди. Бу ҳар гектарига 33 центнерни ташкил этмоқда.

— Бу йил пахтанинг йили бўлди, — деди у. — Барча агро-техник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этдик. Ғазаларимизнинг чанқош, бегона ўт ёки ҳашарот исканжасида қолишига йўл қўймадик. Вақтида ва меъёрида озиклантириб турдик. Чилпиш ва дефолиация тадбирларини ўз муддатда ўтказдик. Иш ҳақининг вақтида бериб боришнинг боис ишчи ва механизаторлар йил давомида кўта-


ринки руҳда ишладилар. Энг асосийси, Президентимиз раҳнамолигида биз фермерларга кўрсатилаётган эътибор туфайли ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Шунингдек, деҳқоннинг қаноти бўлган қишлоқ хўжалик техникаларининг сотиб олинаётгани хирмонимизга барака киритди. Хўжалигимизда иккита ҳайдов, учта чоппи ва иккита транспорт трактори, учта сеялка, иккита культиватор, уч мажмуа сихмола ва бошқа асбоб-ускуналар бор. Бундай имкониятлардан руҳланиб, ишлагинг келаверар экан.

Дарвоқе, хўжалигимизда техника бошқаришни билмайдиган кишининг ўзи йўқ. Урол Номозов, Шаҳриддин Хусанов, Азизбек Йигиталиев, Фаҳриддин Исроилов, Фарҳод Ҳамроев, Абдураҳим Қосимовлар ҳам механизатор, ҳам сувчи, ҳам чоппици.

Юлдузхоннинг эътирофларидан кўриниб турибдики, у бошлик жамоа меҳнат ва касбларидан қониқиб, фахру ифтихор билан яшамоқдалар. Туманда фаолият кўрсатаётган етмишга яқин фермер хўжалиги пахтакорларининг барчаси ҳақида шундай дейиш мумкин.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қашқадарё Вилояти



МУЛҚДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

«Ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36-модда)

Миришкорлик Амир бобо Файзиев бундан чорак аср муқаддам 25 бош қорамол боққани учун қораланиб, қанча таъқибларга учраганини ҳикоя қилади. Чироқчилик асаларичи Абдурахмон бобо эса ҳалол меҳнат билан топган пулига енгил машина сотиб олиб, боши балоудан чиқмаганини эслайди. Бугун улар Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган минглаб фермерлар сингари ўз ери, моли, қўша-қўша техникасига эга мулқдорлардир.

— Қирқ йилдан ортқ умрим далада ўтди, — дейди Қасби тумани Жизза қишлоғилик фермер Карим Чориев. — Эрта тонгдан то қоронғи тушгунча елиб-югуриб ишлабмиз-у, лекин ҳақ-ҳуққимиз, турмушимиз, фарзандларимиз келажаги, саломатлигимиз ҳақида ўйлабмиз. Энди билсам, биз, оддий деҳқонларнинг на ерда, на етиштираётган ҳосилимизда ҳаққимиз бўлмаган экан ўшанда. Худого шукрки, ҳозир ўз еримиз бор. Тонганимиз ўзимизники, “йиллик отчет”да бирор нарса чиқармаган, деб қараб ўтирмаймиз. Қолаверса, фермерликнинг орқасидан обрў топки, элимизга нафимиз тегяпти.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар туфайли йил сайин ривожланиб бораётган фермерлик ҳаракати бугун мамлакатимиз иқтисодиётида катта қўшма қўшди. Қишлоқларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ичма қорхоналар барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб,

моддий манфаатдорлиги ошиб бораётди.

Қасбилик Карим Чориевнинг 2006 йилда ташкил этилган “Чориев Карим Дониёрович” фермер хўжалиги аъзолари пахтачилик ва ғаллачиликда юқори натижаларга эришиб келмоқда. 27 гектар ер билан иш бошлаган хўжаликнинг экин майдони айни пайтда 78 гектарга етди. Фермернинг кўп йиллик тажрибаси, ўзига хос иш услуби самарасида жорий йилда пахта ва ғалладан мўл ҳосил кўтарилди.

— Деҳқончилик учун ҳамма йил ҳам қулай келавермайди, — дейди Карим ака. — Шундай пайтларда ҳақиқий деҳқон баҳона эмас, имкон қадариди. Хўжалигимиз 41 гектар майдонда ғалла, 29 гектар ерда пахта етиштиради. Жорий йилда ғалладан 55, пахтадан 35 центнердан ҳосил олдик. Келгуси йил ҳосили учун 28 гектар ерга “Таня” навли уруғлик дон соғанмиз. Ғалламиз ривож ёмон эмас. Мўл ҳосилнинг биринчи омили ерни қузда шудгорлашдир. Бундай пайтда ер дам олади, бегона

ўтлар уруғи тупроқ остида чириб, табиий ўғитга айланади. Натижада баҳорда бир марта ишлов берилиши билан ер экишга тайёр бўлади. Тажрибали фермер 2009 йили пахтачиликнинг ўзидан 22 миллион сўм соф фойда олди, 2010 йилни 40 миллион сўм, 2011 йилни эса 57 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Хўжаликнинг моддий-техник базаси ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

— Ортиқча югур-югур ва ташвишларсиз замонавий уйга эга бўлишнинг завқи ўзгача экан, — дейди Карим Чориев қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ҳақида гапириб. — Илгари битта уйни тикка қилиш учун бир кишининг 10-15 йиллик умри кетарди. Шунда ҳам ё битарди, ё кўнгилдагидек чиқмасди. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар бундай ташвишларга барҳам бериб, одамлар турмуш маданиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Энди ўғлимга уй қуришим керак, деган ташвишни ҳаёдан чиқариб, ўз ишмизни сидқидилдан бажарсак, даромадимизни оширишни ўйласак бўлди: тажрибали бунёдкорлар барча қулайликларга эга замонавий уйни тайёр ҳолда ихтиёрига топширади.

Карим ака Ватанимиз таррақийти, турмушимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб келаятган, истиқлол берган имконият туфайли ўз ери, ўз мулкига эга бўлган минглаб фермерларнинг бири. У Президентимизнинг фермер бой бўлса, юрт фаровон бўлади, деган сўзлари моҳиятини чуқур англайди. Узини шу юрт тақдирига дахлдор, мулқдор бўлишни эса, аввало, улкан масъулият деб билади.

Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бухоро Вилояти

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ҚОНУНИЙ БЎЛСИН!

Мамлакатимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Бу борада асосий эътибор йўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг талаб ва истакларига мос хизмат турларини жорий этишга қаратилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан шу йўналишдаги хизмат турини мувофиқлаштиришга хизмат қилапти. Ушбу қарорга мувофиқ эндиликда йўловчи ташиш фаолияти билан юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари шугулланишмоқда. Бундай тадбиркорлик субъектларини тегишли тартибда рўйхатга олиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ваколатли идоралар, жумладан, жойлардаги Давлат солиқ инспекциялари зиммасига юклатилган.

Когон шаҳри давлат солиқ

инспекцияси томонидан ҳам жорий йилнинг ўтган даврида 3 та шундай фаолият тури билан шугулланувчи юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, улар ихтиёрида юздан ортқ автотранспорт воситалари мавжуд. Ушбу қорхоналар томонидан истеъмолчиларга бир ойда ўрта ҳисобда 15453,1 минг сўмлик хизмат кўрсатилмоқда.

Шаҳар ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, транспорт департаменти ва шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизматлар сифатини ях-



шилаш, шунингдек, бу борадаги қонунбузарликларни аниқлаш, уларга нисбатан тегишли тартибда чора кўриш мақсадида кўпалай амалий ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ваколатли идоралар ҳамкорлигида шаҳар ҳудудига 57 марта қўшма рейдлар ўтказилди. Тадбирлар давомида 57 нафар жисмоний шахслар томонидан ноқону-

ний ва лицензиясиз йўналишсиз таксиларда йўловчи ташиш ҳолатлари аниқланди. Улардан тегишли тартибда жами 14175,8 минг сўм миқдоридagi маъмурий жарималар ундириш тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суд орқали ундириб олинди.

Шу боис, йўналишсиз таксиларда ноқонуний фаолият кўрсатишдан олдин ҳар бир фуқаро бу борадаги мавжуд

қонун ва меъерий ҳужжатлар билан танишиб чиқса, фойдадан холи бўлмайди. Чунки қонунда бундай фаолият тури билан шугулланиш истагида бўлган фуқаролар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар яратиб берилган. Жумладан, “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилаётган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг тегишли бандларида асосан, такси ҳайдовчилари кафолатланган иш ўрнига эга бўлиб, уларга ойлик маош тўлаш билан бир қаторда меҳнат дартарчаси ҳам юритилади. Ижтимоий имтиёزلардан фойдаланиш имконияти кенгайди. Аксинча, ноқонуний фаолият юритган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 176-3 моддасидаги (энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 100 баробаригача маъмурий жарима) жазо чораси қўлланилади.

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан йўловчи ташишга оид фармон ва қарорлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниб, доимий равишда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Қахрамон ЙЎЛДОШЕВ,
Когон шаҳри ДСИ бошлиғи ўринбосари.

ЭЗГУ АМАЛЛАР сарчашмаси

...Оила альбомидagi фотосуратларни кўздан кечираётганимда уларнинг орқа томонидаги баъзи ёзувлар эътиборимни тортди: “Кўша қариб, юз ёшларга киришлар”, “Ўригидан мағзи ширин”. Бу қайдларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларни ўрта авлод вакиллари, яъни фарзандлар ёзганлигини англаш қийин эмас. Улар ота-оналари — Раъноҳон ва Собитжон Эргашевларнинг кўп йиллар шод-хуррам турмуш кечириларини ният қилишган. Набираларини бағирларига босиб тушилган фотосуратдаги изоҳда эса умргузаронликнинг азалий ҳақиқати гўзал тарзда ифода этилган.



Муштарийларимизда қайси оила ҳақида фикр юритилмоқда, деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу хонадон Қибрай туманидаги Янгийул маҳалласида кўпчиликнинг ҳурмат-аҳтиромига сазовор бўлган. Унинг омиллари кўп: энг аввало, оила сарбони — Собитжон ака Эргашев ва хонадон соҳибаси — Раъноҳон Эргашева касб-корлари билан жамиятда ўз ўринларини топишган. Ўрнатилган ҳуқуқ-аъвоқлари, ширин муомалалари билан одамлар меҳр-муҳаббатини қозонишган. Собитжон Эргашев қарийб ўттиз йилдан бери моҳир ҳайдовчи сифатида одамларга сидқидил хизмат қилиб келмоқда. У асосий иши билан чекланмай, рўзгорини бадастр

қилиб қўйишга интилиб, тadbиркорликка ҳам қўл урган. Томорқада иссиқхона ташкил этиб, лимон ва бошқа ноз-неъматлар етиштиришни йўлга қўйган. Бу тармоқдан кўрилаётган даромад ҳам оила бюджетини моддий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Томорқамизда иссиқхонанинг бўлиши маънавий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, — дейди хонадон сарбони Собитжон Эргашев. — Бу ердаги маҳсулот етиштириш, ҳосилни териб олиш жараёнида ва бошқа юмушларда фарзандларимиз, келинларимиз ҳам беvosита қатнашади, моддий бойлик яратиш машаққати ва қувончини юрак-юрақдан ҳис этиша-

ди. Ўз меҳнатлари билан рўзгорга барака киритаётганини англашади. Эл-юрт дастурхонига ноз-неъматлар етказишга ҳисса қўшаётгани уларнинг ҳаётига янада мазмун бағишлайди. Набираларимиз эса бува-буvisи, ота-онаси иссиқхонада зарур иш билан машғул эканлигини кўришганда улардан ибрат олишади, меҳнатга меҳр қўйишади.

Бу оилада ўқитувчилик касби алоҳида эъзозга эга. Хонадон соҳибаси Раъноҳон Эргашева Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти, ҳозирги университетни тамомлаган. Ўттиз икки йилдан бери халқ таълими соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Қибрай туманидаги

29-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаётганига ҳам йигирма беш йилдан ошди. У “Халқ таълими аълоҳиси” нишони билан тақдирланган.

— Онажоним — Рихсиҳон Самикова менда ўқитувчилик касбига меҳр-муҳаббат уйғотгандилар. Волидаи муҳтарамам Қибрай туманидаги 28-мактабда қирқ беш йил давомида физика ва математика фанларидан ёшларга сабоқ бергандилар. Йигит-қизларнинг онажонимга “Устоз”, дея муружоат этишлари, у кишини қаттиқ ҳурмат қилишлари меннинг муаллимликка бўлган интилишимни янада кучайтирди. Қизим Нодира изимдан бориб, муаллима бўлиб етишди. У ҳозирги пайтда кимё-биология фанидан ёшларга сабоқ бермоқда. Шу ўринда хонадонимиздаги ўқитувчилар сафи яна бир кишига кўпайганлигини фахр билан таъкидлашим зарур. Келиним Барно Эргашева бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бермоқда.

Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иқтидорига мос касб-хунари эгаллаган, муқим ишлашга одатланган. Чунончи, катта ўғил Қаҳрамон Эргашев пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатиб, эл-юрт осойишталигини сақлашга ўз улушини қўшмоқда. Кичик ўғил Олимжон Эргашев коллежни тугатиб, корхонада ишлаяпти. Хонадон келинларидан бири — Мунира Эргашева олий маълумотли мутахассис, геодезия соҳасида самарали меҳнат қилмоқда. Ана шундай соғлом муҳитда тарбияланаётган набиралар ҳам хонадон аъналарига ҳамоҳанг равишда ўсиб-ўлғаймоқдалар. Зеро, оила барча эзгуликларнинг сарчашмаси, деб бежиз айтилмаган

С.АЛИЕВ



Тошкент Вилояти

БУНЁДКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида замонавий уй-жойлар қурилиши тобора ортб бормоқда. 2009 йилда Тошкент вилоятида 60 та уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили 20 та ҳудудда бунёд этилган 680 та уйнинг қалиплари ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда эса, қишлоқ аҳолисига ана шундай уй-жойлардан 1200 тасини тақдим этиш режалаштирилган.

Қурилиш ташкилотларига керакли ашёларнинг мақбул нархларда етказиб берилган натижасида, жойларда бунёдкорлик ишлари янада жадаллашмоқда. Бунинг учун вилоятнинг шаҳар ва туманларида 30 дан зиёд ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилган. Ушбу ташкилотлар намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларнинг пойдеворидан тортиб, томигача зарур бўладиган қурилиш маҳсулотларини етказиб бермоқда. Яна шу нарса диққатга сазоворки, янги уй-жойга эга бўлаётган қишлоқ аҳолиси учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Яқинда Бўжа туманидаги Жағалбайли маҳалласида янги уй-жойларга кўчиб ўтган хонадон соҳибларига ҳам ана шундай қулайликлар яратиб берилди. Тумандаги “Асл Аброр сервис” масъулияти чекланган жамияти ҳудудда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга туширди. Ҳашар йўли билан бунёд этилган “Қамолот” боғи маҳалла кўрмига кўрк қўшди. Шунингдек, бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 45 миллион сўм сарфланиб, хонадонларга тоза ичимлик суви тармоқлари тортинди. Бундай инфратузилмалар янги уй-жой қурилаётган барча қишлоқ ҳудудларида ташкил этилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

СОҒЛОМ ОИЛА — МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оилалар мустаҳқамлиги, тинч-тотувлиги, жамият ривожини белгиловчи омиллardan бири ҳисобланади. Шу ўринда Конституциямизда ҳам оила масалаларининг миллий анъана ва одатларимизга мос тарзда баён этилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Жумладан, бош Қомусимизнинг 14-боби оилага бағишланган бўлиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган. Шундай экан, буни барчамиз теран англамоғимиз шарт. Чунки бунинг замирида оила фаровонлигини таъминлаш, фарзандлар камолини ўйлаб иш тутуш, бу борадаги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш каби тушунчалар ётади.

Оила муқаддас даргоҳ бўлиб, у кишиларнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари асосида юзага келади. Инсонларни Она юрт билан боғлаб турувчи восита ҳам оила саналади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, **Ватансиз оила, оиласиз ватан бўлмайди, жамиятдаги бу**

икки нарса бир-бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдирди. Шундай экан, ҳар биримиз оила ва оилавий муносабатларга нисбатан ҳурмат назари билан қарашимиз лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Оила кодексига оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, никоҳ тузиш шартлари, ота-оналарнинг фарзандлар олдидagi вазифалари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид аниқ қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

Улар асосида ўз хоҳишлари билан умр ришталарини боғлаётган ёшларимиз жамият олдидagi масъулиятларини тўла ҳис этиб, оилаларини ўзаро ҳурмат ва муҳаббат билан барпо этишса, бундай оилада фарзандлар яхши

тарбия олади, келажакда жамият учун фойдали, салоҳиятли, маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етади.

Бинобарин, оилаларда камол топаётган эртамиз эгалари мамлакатимизнинг истиқболлини, давлат ва жамият тараққиётини белгиловчи кучдир. Бугун оилада ҳўкм сурган муҳит, яратилган шароит, фарзандларга кўрсатилаётган эътибор эртага ўз сўзини айтади. Шу боис, оила зиммасида катта масъулият борлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларда оилалар мустаҳқамлигининг барқарорлиги, дахлсизлиги кафолатланган. Ўнг муҳими, унинг фаровонлигини ошириш, тотувлигини таъминлаш мақсадида тобора кенг ислохотлар амалга оширилиб, ҳуқуқий меъёр асослари янада тақомиллашмоқда.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Гулсара ИШМУРАТОВА,
Китоб тумани давлат нотариал идораси нотариуси.



Наманган вилояти Чуст тумани ФХДё бўлими бошлиғи Нодира Жалолова давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан “Шухрат” медали билан тақдирланди.

— Орау-ҳавас билан қурилган оила кўрғонининг мустаҳқамлиги соғлом турмуш ва саломатлик тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Н.Жалолова. — Шу боис, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмушни тарғиб этишга, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти ва самаралари ҳусусида кенг тушунтириш олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

СУРАТДА: Чуст тумани ФХДё бўлими бошлиғи Нодира Жалолова ёшлар билан, **Хотам МАМАДАЛИЕВ** (ЎЗА) олган сурат.

Чилонжийда ЖОЙ ТАНЛАМАЙДИ



Чилонжийда. Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларига майга меваги туру ёсади. Хитой чилонжийдаси маданийлаштирилган. Баланглиги 8-10 м., тана диаметри 13-14 см. бўлади. Бута ёки дарахт шаклига ёсади. Гули майга, хушбўй бўлиб, асосан янги новдаларига пайдо бўлади. У тез ҳосилга киради. Агарга ўсимлик август ойига пайванг қилинган бўлса, келгуси йили шоналай бошлайди. Меvasи серёт, ялтироқ, чўзиқ ёки думалоқ. Ичига қаттиқ данаги бор. Май ойнанинг ўрталаридан бошлаб, ой охиригача ёппасига гуллади. Меvasи кузга пишди.

Ушбу дарахт ташқи шароитга унча талабчан эмас, кам куч, шўрланган тупроқларда ҳам ўсаверади. Илдизи ер остига 5 м. гача кириб боради. Шунинг учун қурғоқчиликка бирмунча чидамли. Ўсимлик нафақат ёзнинг жазирама иссиқларига, балки қиш совуқларига ҳам бардош бера олади. У 30° С совуқ ҳароратда ҳам зарарланмайди. Ёз салқин келган йиллари меvasи камқанд бўлиб, вақтидан илгари тўкилади. У жуда ёруғ-севар, шунинг учун соя жойда меvasи кам бўлади ёки бутунлай ҳосил қилмайди. Чилонжийда 100 йилгача яшайди. Унинг 30-40 ёшлиларидан мўл ҳосил олиш мумкин. Ҳар йили мева қилади.

Чилонжийда паршиш ва қаламча қилиш, пайвандлаш ҳамда данагини экиш йўли билан кўпайтирилади. Пайвандлаш учун икки йиллик пайвандтаг танланади.

Боғларга пайвандланган бир йиллик

кўчат ўтказилади. Боғни шудгорлаш олдидан гектарига 10-15 т. маҳаллий ўғит ва 120 кг. фосфор ҳисобидан минерал ўғит солиш яхши натижа беради. Суғориладиган ерларга кўчат экиш учун, энг аввало, ерни чуқур юмшатиш зарур. Кўчат 5x5 м. (шартли суғориладиган ерларда 5x3 м.) оралиқ билан экилади. Чилонжийдани йўл ёқаларига, ариқ бўйларига экишда туп оралари 3 метр бўлиши лозим. Кўчат жанубий туманларда 20 мартгача, шимолий туманларда эса апрель ойигача ўтказилади. Чилонжийда четдан чагланадиган ўсимлик бўлганлиги сабаб унинг 2-3 хил навини экиш яхши натижа беради. Кўчат ўтказилгандан кейин 50-60 см. юқорисидан кесилади. Дарахт шох-шаббаси 3-5 новдадан иборат қосасимон шаклда ўстирилади. Асосий шохлари 2-3 куртак қолдириб кесилади, бош поя олиб ташланади.

Чилонжийда дарахти шох-шаббаси сийрак бўлганидан эркин ўсади, шу боис, новдаларининг учи кесилмайди. Фақат қуриган, чалқиб кетган ва синган новдалари кесиб турилади.

Чилонжийдазор барпо этилган йили

8-12 мартаба суғорилади. Кейинги йилларда суғориш 2-3 мартаба камайтирилиб, қиш мавсумида бир марта суғорилади.

Бу ўсимликнинг илдизидан чиққан бачки новдалари кесиб турилади. Агарда кўчат биринчи йили секин ўсса, ҳар тупи остига 4 кг. гўнг, 60-100 г. азот ва 50-70 г. фосфор ҳисобидан минерал ўғит солиб, унинг ўсиши кучайтирилади. Боғга ҳар 4-5 йилда гектарига 30-40 т. гўнг ва ҳар йили 120-180 кг. азот, 60-90 кг. фосфор, 30 кг. калий ҳисобидан минерал ўғит бериб турилади.

Консерва қилиш учун мева қизғиш малла тусга кирганда терилади. Тўқ малла рангга кирганда узилади. Қуритиш учун меvasи дарахтда пўсти буриша бошлаганда йиғиб олиш зарур. Мева яшикка 20-30 см. қалинликда солиниб, салқин жойда сақланади.

Чилонжийдининг 6-7 ёшли дарахтидан 18-20 кг., 15-20 ёшли дарахтидан 50-60 кг. ёки гектаридан 15-20 т. мева олинади.

Кароматхон МАМАТОВА,
агроном.

МЕVASИ ДАРДЛАРГА МАЛҲАМ



Кимёвий таркиби: Чилонжийда танасининг пўстлоғида ошловчи моддалар, пептид алкалоидлар бор. Баргида оғриқ қолдирувчи моддалар, аскорбинат кислота, қатронлар, гликозидлар, сапонинлар ва фитонцидлар бўлади. Меvasида қанд моддаси, С витамини, органик кислоталар, данагининг мағзида 33 фоизгача қотмайдиған ёғ мавжуд.

Халқ таоботида чилонжийдадан кўплаб касалликларни даволашда фойдаланилган. Жумладан, буйрак, қовуқ касалликлари, юқори нафас йўллари-нинг яллиғланиши, ревматизм, иситма, ичак касалликларида ишлатилади. Илдиз пўстлоғидан одамни тетиклаштирувчи, кўнгилни очувчи дори тайёрланади. Меvasида пиелит, цистит касалликлари юз берганда, ичакетганда ёрдан беради. Меьдани мустаҳкамлайди. Ўрта Осиё халқ таоботида чилонжийда меvasи ва баргидан қайнатмалар тайёрланиб, кўрак оғриги, бронхит астма, юрак қисими, камқонликни даволашда ишлатилади. Жигар, буйрак, қовуқ, ичак касалликларида оғриқни қолдирадиган восита сифатида қўлланилади. Шунингдек, ични юмшатади, сийдик ҳайдайди.

Ҳинд таоботида чилонжийда яллиғланишга қарши восита сифатида ўсмалар, хўпозлар, йирингли яралар давосига ишлатилади. Чаён қаққан, сўзак бўлган одамларга буюрилади. Тибет таоботида чилонжийда меvasи-лари меьда касалликлари, моддалар ал-

машинуви бузилган маҳалларда кўп ишлатилган. Хитойда эса гипертония, юрак өтишмовчилиги, сил, невростения давосига буюрилган мураккаб дори-лар таркибига қиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, **замонавий таоботда** чилонжийда-нинг меvasи ва баргидан тайёрланган 10% ли дамлама юқори даражада сий-дик ҳайдовчи таъсирига эга. Меvasи-дан тайёрланган воситалар гипертония касаллигига даво.

Ўсимлик барглари оғриқ қолдириш хусусиятига эга. Бунинг учун 1-2 дон

чилонжийда барги оғизга солиб чай-налса, 5-10 дақиқада оғриқ босилади. Кўп қон кетганда ва ичакларда яра бўлганда ҳам ёрдан беради.

Тайёрлиш усули: 5-20 гр. миқ-дордаги чилонжийда меvasи устига 300 мл. сув қуйилади, сўнг 100 мл. қол-гунча қайнатилади (бир марталик доза).

Бронхит, цистит ва пиелит билан оғриган касаллар ҳар куни 2-3 марта 10-20 дон чилонжийда еб туришса яхши натижа беради.

Акмал СОАТОВ,
доришунос.

АЖОЙИБ ЎСИМЛИКЛАР

Атрофимиздаги олам ажойиботларга бой, сир-синоатларга тўла. Айниқса, дов-дарахтлар, ўсимликлар дунёси билан танишар экансиз, ҳайратингиз ошаверади.



ВЕЛЬВИЧИЯ

Намибияда ўсадиган бу гаройиб ўсимлик яшаш учун намликни ту-мандан олади. Ҳар бирининг узун-лиги 2-4 метргача бўладиган икки-та баргдан иборат бу ўсимлик 400 йилгача яшайди. Аммо, ёмғирсиз фақат атмосферадаги намлик ёрда-мида 5 йилгача умр кўради, холос.



ВЕНЕРА ПАШШАТУТКИЧИ

Болажонларга мультфильмлар орқали таниш бўлган бу ўсимлик ўзининг "қолқон"и ёрдамида озик-ланади. Пашша ёки бошқа ҳашарот унинг устига кўнса, қолқон дарров ёпилади. Ичида қолган ҳашарот эса ўсимлик учун озука бўлади.



ЭНГ КАТТА ГҮЛ

Раффлезиянинг диаметри 2 метргача бўлади. Жуда хунук кўри-нишга ҳамда ёқимсиз ҳидга эга бу ўсимлик фақат гулдан иборат. Раф-флезия филлар ёрдамида кўпаяди. Унинг катта шар шаклидаги уруғи-ни филлар оёғи билан босиб ўтади. Оёққа ёпишган уруғлар шу тарика атрофга тарқалади.



ҲАММАНИ РАКСГА ТАКЛИФ ЭТУВЧИ

Машхур олим Ч.Дарвин кашф қилган бу ўсимликнинг ажойибли-ги шундаки, "Desmodium gyrans" офтоб нури остида худди рақсга ту-шавтганга ўхшайди.



УЙЛАНГ МИМОЗА

Жуда нозик табиатли бу ўсим-лик Марказий ва Жанубий Амери-када учрайди. Агар шамол унинг барглари-ни қимирлатса ёки бирор нарса яқинлашса ўсимликнинг барг-лари мисоли сўлиб қолганга ўхшаб дарҳол тўкилади. Аммо бир неча дақиқадан сўнг яна ўзига келади.

Меҳрибон МҲМИНОВА
тайёрлади.

Қашқадарё Вилояти

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

МОҲИР МИРОБ

Тошбой Жаҳонгиров ҳақида сўз кетса, у кишини ўз ишининг устаси, билимдон ирригатор, моҳир раҳбар сифатида эътироф этишади. Ва, албатта, қўшиб қўйишадди: моҳир мироб. Тошбой ака узоқ йиллардан буён ирригация соҳасида ишлаб келмоқда.

Тошбой ўрта мактабни битиргач, отаси билан Қаршига ўқишга ҳужжат топширишга боришди. Шунда ҳамқишлоғи тилшунос олим Тоғай ўринов "Жаҳонгир ака, ўғлингизни сув ҳужайиғи бўйича ўқитинг. Ҳозир Қарши чўлини ўзлаштириш авжга чиқяпти. Ирригаторлар зарур..." деди. Ана шу маслаҳат билан ҳозирги Қарши политехника касб-ҳунар коллежининг сув иншоотлари қурилиши бўлимига ўқишга кирди.

Меҳнат фаолиятини эса "Қаршиқурилиш" бошқармасига қарашли мелиоратив ишлар бошқармасида қурилиш усталигидан бошлади. Бу ерда у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор" Ғайбулла Саъдиевдан соҳанинг кўп сир-асрорларини ўрганди. Сўнгра Тошкент ирригация ва мелиорация институтига муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Тошбой Жаҳонгировнинг қайноқ меҳнат даври — айна шиоатга тўлган йигитлик кезлари "Эскианҳорканалқурилиш" трестига қарашли Қашқадарё механизациялашган кўчма жамланмасида ўтди. У мазкур корхонада қурилиш устаси, иш юритувчи, бош муҳандис, сўнгра "Ўзмахсусудренаж" трестига қарашли Қашқадарё кўчма жамланмасида бош муҳандис, бошлик, Қашқадарё сув қурилиш трестига қарашли хиссадорлик жамиятида бош



муҳандис, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялар, энергетика ва алоқа бошқармасида бошлик муовини, кейинчалик етти йил давомида мазкур бошқарма бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. Устозлари Абдусалом Пардаев, Тоир Эргашев, Муҳаммади Рўзиев, Комил Амировларнинг тажрибаларини ўзлаштирди.

— Давр тақозосига кўра умумхалқ ҳашари билан қурилиши бошланган Қумдарё каналининг биринчи ва иккинчи навбатлари, қўшни Самарқанд вилояти ҳудудидан янги ўзан орқали Чирокчи тумани ҳудудигача Янги Эскианҳор каналининг қурилиши Тошбойнинг муҳандислик амалиётини янада тоблади, — дейди унинг устозларидан бири, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" Хурсанд Тошев. — Қурилиш иншоотларида ўша даврдаги усул — кечаю

кундуз механизмларни ишлатиш, канал ўзанига вилоятда биринчи марта техник талабларга риоя қилган ҳолда заводларда тайёрланган бетон махсулотларини зичлагичлар (вибраторлар) ёрдамида канал ўзанларига зичлаб ётқириш нафақат Тошбойни, у каби ёш муҳандисларнинг малакасини оширди.

Эскианҳор каналининг қурилиши Тошбойнинг касбига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Қўл остидаги юзлаб механизмларни ишга йўналтириш, минглаб ишчиларни иш турларига қараб тақсимлаш, ўндан ортқ техник-муҳандисларга устозлик қилиши унинг раҳбарлик қобилиятини шакллантирди. Тошбой иш фаолиятини тўғрисиқлик, одиллик, талабчанлик билан олиб борди. У Қарши даштини ўзлаштириш, лоток ва канал тизимлари, уй-жой ва маиший иморатлар, йўллар ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи

учун зарур бўлган шийпонлар ва чорвачилик фермалари қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатди. Фузор, Камаши, Чирокчи ва Яккабоғ туманларида сув танқислигини юмшатишда алоҳида ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилди.

Тошбой Жаҳонгировнинг кейинги фаолияти уни маҳоратли раҳбар, ўз мутахассислигини мукаммал билган устоз даражасига кўтарди.

Тошбой аканинг бевосита раҳбарлигида вилоятнинг барча туманларида насос станциялари фаолияти тубдан такомиллашиб, тизимга замонавий техника ва технология кириб келди. Электр энергиясини иқтисод қилишда муайян натижаларга эришилди. Пистали, Дўстлик ёрдамчи насос станцияларида кенг қўламдаги модернизация ишлари амалга оширилди. Электр қурилмалари янгиланди. "Суvmаш", "Ўзқабел", "Тошкент электрошит" корхоналаридан ускуна, замонавий механизмлар олиб келиб ўрнатилди. Айна пайтда Дўстлик насос станциясини янгилаш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етказилди. Бу Фузор, Қарши туманларига сув етказиб беришни тубдан яхшилади.

— Тошбой ака Жаҳонгиров нафақат ўз касбининг устаси, моҳир раҳбар, шу билан бирга, доимо янгиликка интиладиган меҳрибон устоз ҳамдир, — дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Чойбўри Эгамбердиев. — У қўллаб ҳайрли ишларга бош-қош бўлди. Лойиҳаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди.

— Президентимиз раҳнамолигида сув ҳўжалиғи тизимида ҳам кенг қўламда ишлар олиб борилмақда, — дейди Тошбой Жаҳонгиров. — Модернизация туфайли тизимга замонавий техника ва технология кириб келяпти. Бу қишлоқ ҳўжалиғи экинлари ҳосилдорлигини ошириши билан бирга ишни янгилаш ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Бундай шароитда янада завқ билан ишлагинг келайди.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.


▼ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

СЕМИРИШ ХОТИРАНИ СУСАЙТИРАДИ

Инглиз олимлари семириш ақлий фаолиятнинг ривожланишига путур етказишни аниқлади. Лондон коллежи университети вакилларининг сўзларига кўра, вазни оғир кишилар нафақат гипертония хасталиғи билан оғрийди, балки бундай кишиларда бошқаларга нисбатан хотира пасайиши жараёни анча тез кечади.

"The Telegraph" нашрининг ёзишича, бундай ҳулосага 50-60 ёшдаги 6500 киши билан олиб борилган узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида эришилган.

Маълумотларга қараганда, оғир вазнли кишилар қонда меъёридан ортқ холестерин моддаси бўлади. Бу эса уларнинг қон босими ошишига сабаб бўлади. Семизлик, шунингдек, қандли диабетга чалиниши



га ҳам сабаб бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси бош миёга таъсир этган ҳолда хотира сусайишига олиб келади. Шу боис, шифокорлар мунтазам бадантарбия машғулоти билан шуғулланиб туриш, соғлом парҳезга риоя этиш, артериал қон босими ва организмдаги холестерин моддаси меъёрини назорат қилиб бориш ақлий фаолият билан боғлиқ нуксонларни бартараф этишга ёрдам

беради, деб таъкидламоқда.

Шифокорларнинг айтишича, мунтазам фаст-фуд махсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатлилик ва руҳий тушкунликка тез-тез тушиш ортқча вазн билан боғлиқ муаммоларни юзга келтирар экан.

СУНЪИЙ ҚОРАЙИШ ОҚИБАТЛАРИ

Европалик олимлар баданни сунъий қорайтириш офтобда қорайишга нисбатан анча хавфли эканини таъкидламоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда мазкур жараён, айниқса, хотин-қизлар орасида авж олмоқда.

Европа атроф-муҳит агентлиғи ижрочи директори Жаклин Маклейднинг сўзларига кўра, танани бир зумда қорайтирувчи барча лосьсон, крем каби суртмалар ва сеппиш мосламалари таркибида соғлиққа зиён етказувчи хавфли кимёвий моддалар мавжуд.

Экспертларнинг фикрича, 15 дақиқа ичида тана рангини ўзгартириб, чиройли тусга киритувчи ушбу сунъий қорайиш воситалари фойдаланилгандан сўнг ўзидан токсин моддалар ишлаб чиқариб, баданга захар таркатади. Оқибатда нафақат, аллергия, балки тери саратони касаллиғи пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, мутахассислар бу усулдан фойда



ланган ҳомиладор аёлларнинг фарзандлари туғма камчилик билан дунёга келиши хавфи борлигини айтмоқда. Шунингдек, бундай воситалардан фойдаланиш инсонда қандли диабет, семириш ва бепуштлиқ хасталиғи келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

ПОМИДОР ИНСУЛЬТНИНГ ОЛАДИНИ ОЛАДИ

Помидор ва ундан тайёрланган махсулотларнинг истеъмол инсульт хасталиғига чалиниш хавфини камайтиради.

Шарқий Финляндия университети олимлари шундай ҳулосага келди. «Medical Xpress» нашрининг ёзишича, ушбу турдаги полиз махсулотлари ликопин — каротиноид пигментларга жуда бой.

Экспертларнинг сўзларига кўра, қон таркибида бундай антиоксидантлар кўп бўлган одамларда инсульт касаллиғига чалиниш хавфи бошқаларга нисбатан 55 фоиз камдир. Шифокорлар нафақат помидор, балки шунга ўхшаш бошқа мева-сабзавотларни кўп истеъмол қилиш инсултидан асрашни таъкидламоқда.



СУТ — ДАРАГА ДАВО

Австралиялик олимлар сигир сuti таркибидан ОИВ/ОИТС хасталигидан ҳимоя қила оладиган антижисмлар мавжуд эканини аниқлади.

Бундай антижисмлар организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзга келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалардир. «Medical Xpress» нашрининг ёзишича, мазкур моддалар орқали мутахассислар хотин-қизлар учун ОИТС касаллигининг олдини оладиган махсус крем яратиш ниятида.

ҚУЛУПНАЙ КЕКСАЙИШГА ДАВО

Италиялик ва испаниялик олимлар ҳамкорлигида олиб борган тадқиқот ишлари натижасида маълум бўлишича, мунтазам қулупнай истеъмол қилиш кексайиш жараёнини сусайтиради.

Хабарларга қараганда, қулупнай таркибидаги фойдали моддалар, шунингдек, руҳий зўриқшдан ва турли касалликлар, жумладан, саратон, қандли диабет ва юрак хасталиқларига чалинишдан ҳимоя қилади. Мутахассислар ушбу мева ҳар бир инсоннинг асосий оқватлини тартибга киритиши зарур, деб айтмоқда.



ХАБАРЛАР

ИЛМ
АМАЛИЁТГА
ПАЙВАСТА

Миллий матбуот марка-
зида Мирзо Улугбек
номидаги Ўзбекистон
Миллий университетини
томонидан «Замонавий
етук кадрлар тайёр-
лаш: амалиёт ва янги
тажрибалар» мавзусида
матбуот анжумани
ташқил этилди.

Профессор-ўқитувчилар,
илмий ходимлар ва оммавий
ахборот воситалари вакиллари
иштирок этган тадбирда,
бугунги кунда «Кадрлар тайёр-
лаш Миллий дастури» да
белгиланган вазифалар дои-
расида фан, ишлаб чиқариш
ва таълим интеграциясини таъ-
минлаш мақсадида Универси-
тет жамоаси томонидан кенг
миқёсдаги ишлар амалга оши-
рилаётгани таъкидланди. Бу-
нинг самараси ўларок, охири
беш йилда талаба ва магис-
трантлар ичидан 17 нафари
Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти Давлат стипендияси,
13 нафари Алишер Навоий но-
мидаги Давлат стипендияси,
10 нафар талаба Мирзо Улугбек
номидаги Давлат стипендияси
ҳамда 4 нафар талаба А.Беру-
ний номидаги Давлат стипен-
диясига сазовор бўлганлиги
эътироф этилди.

Зулфия АХМЕДОВА



universal auktsion
invest

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ
АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

МАРКАЗИЙ ИДОРА: 1991 йилда и/ч
«ЗИЛ-431410» русумли, бошланғич баҳо-
си 3 969 600 сўм, сотилиш баҳоси
4 400 000 сўм, 2001 йилда и/ч «ГАЗ-
22171-5304» русумли, бошланғич баҳоси
11 684 000 сўм, сотилиш баҳоси
12 300 000 сўм. **БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИ-
ЛИАЛИ:** 1995 йилда и/ч «УАЗ-31514» ру-
сумли, бошланғич баҳоси 3 000 000 сўм,
сотилиш баҳоси 3 600 000 сўм, 1995 йил-
да и/ч «УАЗ-31514» русумли, бошланғич
баҳоси 2 800 000 сўм, сотилиш баҳоси
3 360 000 сўм; 1995 йилда и/ч «УАЗ-
31514» русумли, бошланғич баҳоси
1 800 000 сўм, сотилиш баҳоси
2 070 000 сўм; 1995 йилда и/ч «ВАЗ-
2106» русумли, бошланғич баҳоси 950 000
сўм, сотилиш баҳоси 1 140 000 сўм; 1995
йилда и/ч «ВАЗ-2106» русумли, бошлан-
ғич баҳоси 950 000 сўм, сотилиш баҳоси
1 092 500 сўм, 1995 йилда и/ч «УАЗ-
31514» русумли, бошланғич баҳоси
1 800 000 сўм, сотилиш баҳоси
2 100 000 сўм, 1988 йилда и/ч «Мерсе-
дец-Бенц 0303422» русумли, бошланғич
баҳоси 42 202 140 сўм, сотилиш баҳоси
46 431 000 сўм, 1980 йилда и/ч «DAIMLER-
BENZ-AG» русумли, бошланғич баҳоси
6 254 555 сўм, сотилиш баҳоси 7 000
000 сўм, 1989 йилда и/ч «ГАЗ-5204» ру-
сумли, бошланғич баҳоси 4 420 460 сўм,
сотилиш баҳоси 5 100 000 сўм, 1995 йил-
да и/ч «УАЗ-31514» русумли, бошланғич
баҳоси 3 800 000 сўм, сотилиш баҳоси
4 370 000 сўм, 1995 йилда и/ч «УАЗ-
31514» русумли, бошланғич баҳоси
2 100 000 сўм, сотилиш баҳоси

2 415 000 сўм, 1986 йилда и/ч «ВАЗ-
21063» русумли, бошланғич баҳоси
4 516 850 сўм, сотилиш баҳоси
5 000 000 сўм, 2005 йилда и/ч «LACETTI»
русумли, бошланғич баҳоси 28 070 660
сўм, сотилиш баҳоси 30 910 000 сўм,
2003 йилда и/ч «Нексия» русумли, бошлан-
ғич баҳоси 13 215 000 сўм, сотилиш ба-
ҳоси 17 186 000 сўм, 1992 йилда и/ч
«Мерседес Бенц-208» русумли, бошлан-
ғич баҳоси 3 475 970 сўм, сотилиш баҳо-
си 4 176 000 сўм, 1986 йилда и/ч
«DAIMLER BENZ-300» русумли, бошланғич
баҳоси 12 469 120 сўм, сотилиш баҳоси
14 970 000 сўм, 1995 йилда и/ч «RENAULT
EA-385» русумли, бошланғич баҳоси
23 020 870 сўм, сотилиш баҳоси 25 333
000 сўм, 1996 йилда и/ч «LECI TRAILER»
русумли, бошланғич баҳоси 28 806 880
сўм, сотилиш баҳоси 31 700 000 сўм,
1975 йилда и/ч «ТО-18» русумли, бошла-
нғич баҳоси 14 078 026 сўм, сотилиш ба-
ҳоси 16 215 000 сўм. **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
ФИЛИАЛИ:** и/ч йили номаълум «ВАЗ-
21033 СНГ» русумли, бошланғич баҳоси
1 771 410 сўм, сотилиш баҳоси 1 931 000
сўм, 2010 йилда и/ч «Нексия» русумли,
бошланғич баҳоси 14 120 540 сўм, соти-
лиш баҳоси 15 815 000 сўм, 2010 йилда
и/ч «Нексия» русумли, бошланғич баҳоси
14 068 094 сўм, сотилиш баҳоси 16 000
000 сўм, 2005 йилда и/ч «Нексия» русум-
ли, бошланғич баҳоси 6 232 910 сўм, со-
тилиш баҳоси 7 200 000 сўм, и/ч йили
номаълум «УАЗ-469Б» русумли, бошлан-
ғич баҳоси 3 576 000 сўм, сотилиш баҳо-
си 5 000 000 сўм. **ФАРФОНА ВИЛОЯТИ**

ФИЛИАЛИ: 2007 йилда и/ч «Дамас» ру-
сумли, бошланғич баҳоси 16 419 150 сўм,
сотилиш баҳоси 24 000 000 сўм, 2009
йилда и/ч «Нексия» русумли, бошланғич
баҳоси 15 126 669 сўм, сотилиш баҳоси
27 000 000 сўм. **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ:** 1997 йил-
да и/ч «Нексия» русумли, бошланғич ба-
ҳоси 8 801 692 сўм, сотилиш баҳоси 17
000 000 сўм, 1997 йилда и/ч «Нексия»
русумли, бошланғич баҳоси 4 855 080
сўм, сотилиш баҳоси 16 500 000 сўм, 1999
йилда и/ч «Нексия» русумли, бошланғич
баҳоси 7 303 824 сўм, сотилиш баҳоси
18 000 000 сўм, 1997 йилда и/ч «Нексия»
русумли, бошланғич баҳоси 5 277 255
сўм, сотилиш баҳоси 15 000 000 сўм, 1999
йилда и/ч «Тико» русумли, бошланғич ба-
ҳоси 3 482 408 сўм, сотилиш баҳоси 10
000 000 сўм, 1999 йилда и/ч «Тико» ру-
сумли, бошланғич баҳоси 3 763 661 сўм,
сотилиш баҳоси 12 000 000 сўм.

ТУЗАТИШ!

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Бухоро
вилояти филиали томонидан «Қишлоқ
ҳаёти» газетасининг 2012 йил 11 октябрь
118 (8043)-сонда берилган реклама эълон
таърифи 2009 й. и/ч «Матиз» русумли, д/р
80 693 ВАА бўлган автотранспорт восита-
си бўйича такрорий аукцион савдоси куни
«ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари» ўрнига
«2012 йил 28 ноябр»да деб ўқилсин.

Қўшимча маълумот олиш манзили:
Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-й
4-қават. Тел: (8365) 223-97-14.
Гувоҳнома № 004059

Сургарё вилояти

ЗАМОНАВИЙ
СЕРВИС
МАРКАЗИ

Гулистонлик тадбиркор
Маъмур Сабуров та-
шаббуси билан бунёд
этилган «ВИП центр»
хизмат кўрсатиш мар-
кази фаолият бошлади.

«Хожиакбар Азиз ҳамкор»
масъулияти чекланган жамия-
ти қошида ташқил этилган мар-
казда автомашиналарни ювish,
таъмирлаш амалга оширилади.
Михозлар учун дам олиш зали,
ошхона, сартарошхона ҳам
фаолият юритяпти.

ХИЗМАТ
СИФАТИ
ОШМОҚДА

Мирзободлик тадбир-
кор Абдурахмон
Холиқов «Михли зул
сахий» кичик корхона-
си негизда 400 нафар
кишига хизмат кўрсата-
диган «Орзу» тўйхона-
сини бунёд этди.

Мирзободликлар аввалла-
ри Гулистон шаҳридаги тўйхо-
наларга бюртма бериб тўй
ўтказаятган бўлсалар, энди-
ликда бу ортқича югур-югурла-
рида ҳолат йўқ. Эътиборли
жиҳати шундаки, айни чоғда
«Михли зул сахий» кичик кор-
хонаси қошидаги маъшиий хиз-
мат шохобчаси ҳамда тўйхо-
нада 25 нафар ёшлар иш би-
лан таъминланди.

Бозорбой БЕКМУРДОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах политехника институти биноси бош корпусининг том қисмини капитал таъмирлаш».

Объектнинг бошланғич қиймати:
ҚҚСсиз 245,172 млн. сўм, ҚҚС билан
294,207 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012
йил 30 декабрғача.

Ишларни молиялаштириш бюрт-
мачининг маблағлари ҳисобидан амалга
оширилади.

Бюртмачи манзили: Жиззах шаҳ-
ри Халқлар дўстлиги шох к-си.

Телефон: 8-372 226-46-05. **Факс:** 8-
372-226-45-47.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн
сўмгача бўлган қурилиш ва реконструк-
ция қилиш объектлари бўйича танлов
савдолари фақат кичик бизнес субъект-
лари ўртасида ўтказилади. Турар ва но-
турар биноларни капитал ва жорий таъ-
мирлаш объектлари бўйича квоталар
микдори кичик бизнес субъектлари учун
100 % ташқил қилади.

**Танлов савдоларида иштирок эт-
диган ташкилотлар куйидаги шарт-
ларга жавоб беришлари керак:** тан-
лов савдоси предметининг 20 % микдо-

ридаги айланма маблағларига ёки кўрса-
тиб ўтилган маблағларни беришга банк
кафолатномасига, ишлаб чиқариш база-
лари, ишларни бажариш учун зарур
бўлган меҳнат ресурслари ва мутахас-
сисларга, етарли касбий ва техникавий
малакага, молиявий имкониятларга, шарт-
нома тузиш юзасидан фуқаролик муо-
мала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга,
ўшаш ишоотларни қуриш бўйича тажри-
бали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва хори-
жий қурилиш ташкилотлари иштирок эт-
ганда уларнинг танлов таклифлари ба-
ҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар
учун куйидаги нарх преференциялари
қўзда тутилган: офертларнинг танлов
таклифларини баҳолаш вақтида қонун-
чиликка мувофиқ қўшимча қиймат соли-
ғини тўлашдан озод этилган импорт иш-
ларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи
чет эл офертларнинг таклифларига
қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобла-
нади.

Танлов савдосида қатнашиш ва тан-

лов ҳужжатларини олиш учун сўровно-
ма билан танлов савдоси ташкилотчиси
– **Жиззах вилояти қурилишда тан-
лов савдолари ва нархларни шакл-
лантириш ҳудудий консалтинг мар-
казига** қуйидаги манзил бўйича муро-
жаат этиш мумкин:

**Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси
63-уй 425-хона.**

Тел/факс: (8-372) 226-14-66.

Бир тўпلام танлов ҳужжатларининг
нархи — **70 миң сўм.**

Таклифлар (офёрталар) танлов савдо-
си ташкилотчиси томонидан юрридаги
манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташки-
лотчиси тақдим этишнинг охириги му-
дати – офёрталар очилиш куни ва со-
атига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп
этилган кундан бошлаб 30 кундан ке-
йин куйидаги манзилда ўтказилади:

**Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-
уй** (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлис-
лар зали.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСПУИ
томондан рўйхатдан ўтган «TOSH ELEKTRO QURILISH»
МЧЖга (ИНН 207062585) тегишли думалоқ муҳр ва бурч-
как штампга йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО «PREMIER LEASING» выставляет на продажу иму-
щественный комплекс, состоящий из оборудования для
сортировки и хранения фруктов (фруктоуниверсал), не-
движимого имущества с прилегающим земельным участ-
ком 0,87 га, расположенное по адресу: Ферганская обл.,
г. Фергана, «сход граждан махалли «Мустақиллик»,
на пересечении ул. Истиклол и Комлева. Форма опла-
ты — перечислением. Тел.: 280-55-07.

Утеранный план дома расположенного по адресу: г.
Ташкент Хамзинский р-н маҳалля Олмос ул. Кундусой
2-тулик д. 3, выданный Хамзинским БТИ на имя Сабу-
ровой Светланы Розматовны, считать недействительным.

ЧП в форме МП «LEGRES UNIVERSAL» (ИНН
301716143), зарегистрированное (реестр № 002757-06,
12.10.2010 г.) ИПСП Сергеевского р-на, расположен-
ное по адресу: Сергеевский р-н ул. А.Ахматовой-1, по-
чтовый адрес: г. Ташкент Сергеевский р-н ул. А.Ахма-
товой-4, преобразуется в ООО «LEGRES UNIVERSAL»,
Претензии принимаются по тел.: 930-80-56.

ЧП «Техно KASKAD» (ИНН 206771733), зарегистриро-
ванное 24.08.2006 г. отделом гос. регистрации субъек-
тов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-
на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент
ул. Буюк Ипак йули д. 62 кв-ра 26, ликвидировано (ре-
шение учредителя № 1 от 28.10.2012 г.). Претензии
принимаются в течение 2 месяцев с момента опублико-
вания указанного объявления.

Тошкент ш. Утепта т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСПУИ
томонидан (09.10.2012 й., реестр № 005394-01) рўйхат-
та олинган «NARGIZA BIZNES SAVDO» МЧЖ (ИНН
302400382) корхона таъсисчислининг 30.10.2012 й.даги
1-сонли қарорига асосан молия-ҳўжалик фаолиятини
амалга оширмаганлиги сабабли тугатилади. Даволат 1
ой муддатда қабул қилинади. Тел.: 578-30-20.

ООО «MIRACLE CONSTRUCTION» (ИНН 301029451),
зарегистрированное отделом гос. регистрации субъек-
тов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-
на г. Ташкента (ИНН 004495-08, 15.01.2009 г.), распо-
ложенное по адресу: Чилонзор д. 20а, 42-7, ликвидирует-
ся (решение учредителя от 31.10.2012 г.). Претензии
принимаются в течение десяти дней после публикации
объявления по тел.: 369-67-66, 216-45-99.

ООО «BAEZET YUNUS TEKS» (ИНН 302340897), заре-
гистрированное отделом гос. регистрации субъектов
предпринимательства хокимията Сергеевского р-на г.
Ташкента (реестр № 003513-06 от 05.07.2012 г.), рас-
положенное по адресу: г. Ташкент м-в Сергеев-8, На-
сосная Станция, самоликвидируется (Решение № 2 от
31.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 ме-
сяцев со дня публикации объявления.

Тошкент шаҳар ер тузши ва кўмас мулк кадастр хиз-
мати Тошкент ш. Яқсарой т. Юсуф Хос Ҳожиб кўчадаги
72-уйга Қадиров Бахтияр Исмаатовичга (реестр 5-234/
2008) берилган гувоҳнома серия ТА № 0614334 ва Кўмас
мулк объекти кадастр ш.и (Кадастр рақами
10050101930012, 28.07.2008 г.) йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Утеранный диплом № 208577 выданный 1997 г. Та-
шкентской Медицинской Академией (бывш. ТашГосМИ-1)
на имя Сафарова Нилуфар Ташпулатовна, считать не-
действительным.

ООО «GAZ TO'LDIRISH STANSIYASI» Хамзинского р-
на сообот об уменьшении уставного фонда предпри-
ятия с 683 785 000 сум до 477 207 750 сумов.



ГУЛДАН ГИЛАМ

Бельгия пойтахти Брюсселда гуллардан улкан гилам тўқилди

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, Гран-Пляс майдонига тўшалган ушбу ранг-баранг ва бетакорор гиламнинг эни 24, узунлиги эса 77 метрни ташкил

этган. Гиламни тўқиш учун турфа гуллардан фойдаланилган. Ушбу ажойиб ва ноёб гиламни кўриш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан сайёҳлар келиши кўпаймоқда.



МУЗҚАЙМОҚЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Италиянинг Анцола-Деллемилля шаҳрида музқаймоқлар музейи очилди. Музқаймоқ ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилик қилаётган "Caprigiani" заводи яқинда ташкил этилган бу музей 450 квадрат метр майдонни эгаллаган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, музқаймоқнинг яратилиш тарихи, уни тайёрлаш бўйича қадимий технологиялар, музқаймоқ кашфиётчилари ҳақида маълумотлар берилган. Музейга ташриф буюрувчилар Италиянинг машҳур "Caprigiani" компаниясининг қадимий усулда тайёрланган музқаймоқларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўладилар.



КИММАТБАҲО ЛИБОС

Ҳиндистоннинг юқори сифатли ипак ишлаб чиқарувчи "The Chennai Silks" компанияси дунёдаги энг қиммат сарини яратди.

Кимматбаҳо сари олтин, платина ва қумуш иглалардан тикилган бўлиб, олмос, ёқут, сариқ сапфир, зумрад ва "мушук кўзи" номли тошлар, марварид ва маржонлар билан безатилган. Етти ой давомида тикилган "The Chennai Silks" сариси етмиш беш минг АҚШ долларига баҳоланмоқда. Сарини тайёрлаш учун ўттиз тикувчи жалб қилинган.



УЛКАН ҚОВОҚ

Швейцариялик фермер улкан қовоқ етиштиришга муваффақ бўлди.

Мазкур давлатнинг Зеегребен шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бени Майер оғирлиги 768 килограммни ташкил этувчи улкан қовоқ билан барчани хайратга солди. Маълумотларга қараганда, улкан қовоқ етиштириш бўйича дунё рекорди АҚШлик фермерларга тегишли бўлиб, улар етиштирган маҳсулот 911 килограммни ташкил этган.

АҚЛИ ҚУЛФ

АҚШлик кашфиётчи Стив Хофер калитсиз очиладиган "ақлли қулф" яратди.

Бундай қулф уй эгаси томонидан ўрнатилган товуш ёрдамида ишлайди. Эшикдаги товушдан таъсирланган курилма очилиши ёки бутунлай қулфланиши мумкин. Ушбу инновацион гоа калит йўқотиш, эшик бузиш каби бош оғирликлардан тез ва осон қутилиш имкониятини беради.



(5 ноябрь - 11 ноябрь)

ҚҮЙ (21.03 - 20.04)



Яқин қариндошларингиз манфаати йўлида тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Иккиланмай ишга киришаверинг, бу сиз учун берилган яхшигина имконият. Сидқидилдан меҳнат қилсангиз, тез орада мевасини татийсиз.

БУЗОҚ (21.04 - 20.05)



Ушбу ҳафтада иш фаолиятингиз жуда самарали бўлади. Узингизни оддий ва санимий тусангиз, одамлар сиз билан мулоқот қилишга талпинида. Ҳафта сўнгига жуда фойдали битимларни имзолайсиз.



ЭГИЗАКЛАР (21.05 - 21.06)



Сизга яхшигина иш таклиф этишлари мумкин. Энг муҳими, қобилиятингизга шубҳа қилманг. Оддий турмуш тарзингиз бузилишидан чўчимаг. Ишхонадаги вазифа ва оилавий ташвишларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06 - 22.07)



Ниҳоят бахт қушини тутиш учун қулай пайт келди. Ҳозир омад сиз тарафда. Такдиринг бирорта ҳам тўғриси қўлдан чиқармайсиз, деган умиддамыз. Узгаришларга тайёр туринг.



АРСЛОН (23.07 - 23.08)



Ишингиз ҳам, умр йўлдошингиз ҳам кўпроқ эътибор талаб қилади. Икки қайқини баравар ушламоқчи бўлган киши эса фарқ бўлиши мумкин. Тезроқ ўзингиз учун муҳимроғини танлашингизни маслаҳат берамыз.

ПАРИЗОД (24.08 - 23.09)



Агарда ишингиз юришмаётган бўлса, яқинларингиздан ёрдам сўрашдан тортинманг. Асабини асрагн, ҳар бир қунигизни хурсандчилик билан ўтказишга ҳаракат қилинг. Чунки умринг ҳар дақиқаси ганиматдир.



ТАРОЗИ (24.09 - 23.10)



Баъзан яқинларингиз қилган хатонинг бир учи сизга ҳам тааллуқли эканлигидан хафа бўлиб қетасиз. Аммо ана шу хатони тузатишга уришиб кўринг. Албатта, барчасининг урдасидан чиқиб, юзингиз ёруғ бўлади.

ЧАЕН (24.10 - 22.11)



Ишга мезъердан ортиқ берилиб кетманг, соғлигингиз панд бериб қўйиши мумкин. Фақат ўз имкониятларингизга таянман, десангиз ҳам чарчаб қоласиз. Зарур бўлганда, мутахассисларга мурожаат қилганингиз маъқул.



ЎҚОТАР (23.11 - 21.12)



Бошлаган лойҳаларингиз аввалига унчалик қийинчилик туғдирмасда-да, турли тушунмовчилик ва норозиликлар келиб чиқишига тайёр туринг. Режаларингизни жамоатчилик орасида асослаб беришга тўғри келади.

ТОҒ ЧКИСИ (22.12 - 20.01)



Сиз ота-онангизга суяниб қолгансиз. Энди мустақил ҳаёт кечириб пайти келди. Имкониятлардан тўғри фойдаланиб, ҳаётингизни изга солиб олинг. Бундан бунён хатти-ҳаракатларингизга ўзингиз жавоб беришингиз керак.



ҚОВҒА (21.01 - 20.02)



Ишхонада турли гап-сўзлар ўртасида қолмай десангиз, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга аралашаверманг. Ундан кўра бўш вақтингизни сеvimий одамларингиз ва дўстларингиз билан ўтказишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (21.02 - 20.03)



Амалга оширган ишларингизни сарҳисоб қилишингиз айна пайти. Келгусидаги режаларингизга ҳам бир бора кўз югуртириб чиқсангиз фойдадан холи эмас. Зеро, режали иш бузилмас деб, бежизга айтилманг.



«ОБУНА — 2013»

АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИ!

«Qishloq hayoti» юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни, хусусан, қишлоқлар ҳаётини ўзда тўлиқ акс эттирган газета. «Qishloq hayoti»га 2013 йил учун обуна газета тахририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.



НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

Бош муҳаррир:
ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрно-комплекс
тарихидаги ҳамда шу
тармоқда долҳдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РҮЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ,
Фарход ОМОНОВ, Эрон КУДРАТОВ, Муса
АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ,
Омонулло ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат
НАЗАРОВ, Шероод ҚУЛОМОВ, Муҳаммад
АБДУСАМАТОВ (Маъсум котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-саноат ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДОДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Наманган — (+99891) 537-14-36; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Суҳроқандар — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва
эълонлар:

236-58-83,
233-28-04.

Реклама ва
эълонлар матни
учун буржумчи
жавобгар

ISSN 2010-7083

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

Р.СУЯРОВ

Мусахҳас:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:
М.БОСМУАММЕРОВА

Газета сенанба, пайшанба,
жума кунлари чиқиди.
Буортта Г-1114,
ҳақми 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
15007 нускада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
теринди ва
сахифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбуот ва ахборот агентлиги
компанияси босма-маърузида босилди.
Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.